

БУГУНГИ КУН СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Нишонова Нигора Толибовна
Судьялар Олий мактаби тингловчиси

Аннотатсия. Мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этилишида амалга оширилаётган бир қатор муҳим ислоҳотлар, шу жумладан суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиликлар, Суд ҳокимияти мустақиллигининг Конституциявий асоси, Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган устивор вазифалар доираси ҳақида батафсил баён қилинади.

Калит сўзлар: Конституция, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, суд ҳокимияти, мустақиллик декларатсияси, тараққиёт стратегияси.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларимизнинг

замирида Асосий қомусимиз Конституцияимизнинг ҳаётбахш қоидалари хизмат қилмоқда. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқ эркининг ифодаси, тараққиётининг асосидир. Янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституцияимизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумеътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

2023-йилнинг 30-апрел санаси Ўзбекистон Республикаси тарихига олтин зарлавҳалар билан ёзиладиган бўлди, чунки, Янги Ўзбекистоннинг Янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясига 6 бўлим, 27 боб, 155 моддадан иборат 434 та янги нормалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 08.05.2023 йилдаги Олий мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашувларидаги нутқларида: **“Янгиланган Конституциямиз учинчи ренессансни барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.**

Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.



Бу – авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани. Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади.

Энг муҳими, “Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!” деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қонунига айланиши керак.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини албатта амалда таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда, Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди”, деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат Янги Конституциямизнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимида янгидан янги ислоҳатларни амалга оширишга йўл очиб берди.


МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш назарияси француз мутаффаккири Ш.Л.Монтескенинг “**Қонунлар руҳи ҳақида**” асарида баён этилган. Унинг фикрича, адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки аксинча бир –бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт. Уларни ҳар қандай кўринишда бирон бир орган ёки шахс қўлида мужассамланиши мумкин манфаатларга путур етказди, суиистеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло келишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар етказди, агар, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғулланса, у ҳолда инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин.

Ҳокимият ваколатларини тақсимланиши принципи биринчи марта 1787-йилги АҚШ Конституциясида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига асосан ҳокимият ваколатлари тақсимланиб: Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, бошқа икки: Қонун чиқарувчи ва Ижро ҳокимиятидан алоҳида фаолият юритиши белгиланган.





Бу эса ҳуқуқий давлатга ҳокимият органларининг мувозанатини сақлашга, тенглигини таъминлаш ва уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишга имконият беради.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра 15-моддага қуйидагича қўшимча қўшилди:


“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”. Бу Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга муурожаат қилишга имкон беради.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий ҳуқуқий мақоми, тузилишининг қонуний асоси О‘збекистон Республикасининг Конституцияси ва шу жумладан О‘збекистон Республикасининг “Судлар то‘ғ‘рисида”ги қонуни ва тегишли бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланганлиги, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб белгиланганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10 – моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизга суд-ҳуқуқ тизимида жуда кўплаб ислохотлар олиб борилди. Жумладан Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

О‘збекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6-январдаги **“Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари то‘ғ‘рисида”**ги қарори ва у асосда Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши, фақатгина шу о‘қув юртини тамомлаган тингловчилар судьялик лавозимига э‘лон қилинган танловларда иштирок этиши мумкинлиги суд тизимидаги ислохотларда муҳим қадам бўлди десак муболаға бўлмайди.





Президентимиз 2020 – йил 29 – декабр куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтдилар. Ортбошимиз таъкидлаганларидек, охириги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлигини, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллашини, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина эканлиги таъкидладилар. Бу мурожаатнома суд соҳасида амалга ошириш зарур бўлган бир қатор вазифалар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, унинг нуфузини ошириб боришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишда янги бир даврни бошлаб бериши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”** ги 2022-йил 28-январ кунги 60-сон Президен фармонинг **15-мақсадида:**

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш.

“Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш.


Суд протсессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш.

Судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш.

Суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш.

Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш.





Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш.

Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш.

Суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш”ни белгиланиши суд-ҳуқуқ тизимига улкан маасулиятни юкланганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиришлар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳатларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонни жаҳон майдонида ўз муносиб ўрнига эга бўлаётганлигининг исботидир. Ишонамизки, Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида ҳар қачон ҳам ҳар томонлама куч-қудратли, салоҳиятли ва тинч – фаровон мамлакатга айланади.


Кўшимча қиладиган бўлсам, бугунги кунимизни рақамлаштирилган технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан нафақат суд-ҳуқуқ тизимидаги, балки барча соҳаларни рақамлаштиришни такомиллаштириш лозим. Судларга тегишлилик нуқтаи-назаридан маълум бир маънода интегралсия қилиниши, бу орқали эса суд-ҳуқуқ соҳасида коррупсион ҳолатларни олдини олиш ва қарорларнинг сифатли чиқишида муҳим ўрин эгаллайди.

Президентимиз таъкидлаганларидек: “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик бўлиши шарт”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги қонуни
3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. (Ш.А.Сайдуллаев 2022 йил)
4. “Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши то‘ғрисида”ги
5. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси.





6. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармони.

7. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабр)

